

Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ХОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 476а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Рузметов Отабек
Озодовичнинг тузар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида яшовчи фуқаро Рузметов Отабек Озодовичнинг “Тўпчи” маҳалласида жойлашган тузар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 10 январдаги ХО-Р-52-сонли аризасини, “Тўпчи” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 8 январдаги № 48-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, “Боғот” ширкат хўжалиги вакилларининг 2001 йил 20 сентябрдаги № 2-сонли йиғилиш баёнига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва тузар жойларни уй-жой фондига қиритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 81,0 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 92,64 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 173,64 квадрат метр, қурилиш ости майдони 231,34 квадрат метр, умумий ер майдони 800,0 квадрат метр (умумий ер майдони 983,8 квадрат метр бўлган ушбу тузар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган 183,8 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиш шарти билан) ушбу тузар жой биносига нисбатан фуқаро Рузметов Отабек Озодовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Рузметов Отабек Озодовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилаётган 183,8 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Рузметов Отабек Озодовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матяқубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев